
Ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси билан 14 нафар хотин-қизлар ва ёшларга меҳнат анжомлари тарқатилди

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан ҳудудларда эҳтиёжманд, бандлиги таъминланмаган, ногиронлиги бор, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган хотин-қизлар, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш жараёнларида аҳоли вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда.

Кун кеча 14 нафар "дафтарлар"га киритилган хотин-қизлар ва ёшларнинг турмуш шароитини яхшилаш, доимий даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.2022 йилдаги қарорига асосан субсидия ажратилиб, замонавий тикув машиналари беғараз топширилди.

2023-02-06 12:55:07